



Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№22

30 ноябрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
9-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
22-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-9**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
22-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-9**



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 22-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 16 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8. Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9. Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11. Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14. Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15. Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16. Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17. Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18. Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19. Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20. Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21. Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ
ТУТГАН ЎРНИ

1. Азимов Саидумар Саидович ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ҲИСОБЛАНИШИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ ЎТКАЗИШДА ТАШҚИ МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	7
2. Rahimov Nozimjon Namoz o'g'li XODIMLAR MEHNATINI RAG'BATLANTIRISH VA UNI IQTISODIY MUHIMLIGI, ANAMIYATI	10
3. Муҳиддинов Ақобирхон Нурулло ўғли ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИННОВАЦИОН ҲУДУДИЙ КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА МУВАФФАҚИЯТЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.....	12
4. Rakhmatullaeva Firusa Mubinovna THE ROLE OF BRANDING IN THE FORMATION OF TOURISM ATTRACTIVENESS OF A REGION	14



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ҲИСОБЛАНИШИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ ЎТКАЗИШДА ТАШҚИ МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Азимов Саидумар Саидович
Банк молия академияси
мустақил тадқиқотчи
Телефон: +998(99)074 04 10
Azimov7788@mail.ru*

Аннотация: Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан табиий ресурслардан ресурс самарали фойдаланиши учун солиқ ставкалари йилдан йилга ошиб бориши, турли меълаш ишлаб чиқилиши ўз навбатижа тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу солиқлардан қочиш бўйича янги схемаларни ўйлаб топилишига ва солиқдан қочиш ҳолатларини кўпайтиришига олиб келмоқда. Шу ўринда мол-мулк солиғининг бугунги кундаги ҳисоблаш механизми асосида солиқдан қочиш схемаси ёритиб берилган ҳамда таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: камерал солиқ текшируви, мол-мулк солиғи, кадастр қиймати, турар ва нотурар объектлар, қолдиқ қиймат, бошланғич қиймат, солиқ базаси, молиявий-хўжалик фаолияти, солиқ (молиявий) ҳисобот, ягона электрон тизим.

Амалдаги солиқ қонунчилигига асосан¹ юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи солиқ солиш базаси мазкур объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) солиқ давридаги ҳар бир ойнинг охириги кундаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланиши қайд этилган.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғининг солиқ базаси бўлиб, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг кадастр қиймати ҳисобланади.

Қолдиқ қиймат Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) “Асосий воситалар” бўйича низомга асосан қолдиқ қиймат ёки корхоналарнинг мол-мулкни баланс қиймати объектларнинг жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати ҳисобланади.

Бошланғич қиймат бу асосий воситаларни яратиш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича қилинган харажатларнинг қиймати, шу жумладан тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек активни ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатлар киреди.

Бир турдаги солиқ солиш объекти бўйича жисмоний шахслар ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкларига солиқ солиш турли базалар сифатида қаралмоқда.

Бошқача қилиб айтганда турар тоифадаги мол-мулк юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиши нуқтаи назаридан қараганда бир хил мақсадларда фойдаланилсада, турли ставкаларда солиқ туланади. Масалан, турар тоифадаги объектлар учун юридик шахслар томонидан икки фоиз ставкада юридик шахслардан олинандиган мол-мулк солиғи тўлансада, жисмоний шахслардан олинандиган мол-мулк солиғи учун 0,2 фоиз ставкада солиқ ҳисобланади.


¹ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 413-моддаси



Мазкур ҳолат солиқ солишнинг адолатлилиқ принципларига зад келади десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Давлат кадастри тўғрисида”ги 171-П-сонли Қонунининг 16-бандига асосан кадастр ҳужжатлари объектларининг ҳолати тўғрисидаги ҳисобот давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича белгиланган тартибда тузилади ҳамда кадастр объектларининг алоҳида ҳудудлар ва бутун Ўзбекистон Республикаси бўйича миқдор ва сифат ҳолати, баҳоси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши қайд этилган.

Жисмоний шахсларнинг турар ва нотурар объектлари мазкур қонунга асосан ҳисоблаш тартиблари ишлаб чиқилган бўлиб, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ҳисобланишида кадастр қиймати асосида солиқ ҳисобланади.



Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ҳисобланишида қолдиқ қиймат солиқ солиш базаси бўлганлиги сабабли кадастр қиймат бўйича мулкларни баҳолаш тартиби ишлаб чиқилмаган.

Бу ўз навбатида жисмоний шахслар ҳамда юридик шахсларнинг солиқ солиқ базасидаги фарқлар ҳисобига юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ҳисобланишида солиқдан қочиш ҳолатларига сабаб бўлмоқда.

Масалан, фуқаро М Тошкент шаҳридаги турар жой объектini 2018 йилда 1 120,0 млн. сўмга сотиб олган ҳамда шу йилнинг ўзида бошқа бир юридик шахсга “Я” МЧЖга 10,0 млн.сўмга сотмоқда.

Фуқаро ушбу объект бўйича кадастр қиймати 279,2 млн.сўмдан 0,2 фоиз ставкада миқдорида 558,3 минг.сўм солиқ тўлаши лозим.

Юридик шахс ушбу объект бўйича 2 фоиз ставкада солиқ тўлаганда 10,0 млн.сўм қолдиқ қийматидан 200,0 минг.сўм мол-мулк солиғи тўлаши лозим.

Хулоса.

1. Юридик шахс солиқ ставкаси жисмоний шахсга нисбатан 10 баробар юқори (жисмоний 0,2% ва юридик 2%) бўлсада, юридик шахс томонидан 358,0 минг сўм мол-мулк солиғи кам тўланмоқда.

2. Мазкур объектнинг ҳақиқий нархи 1 120,0 млн.сўм бўлиб, ўртадаги олди-сотдилар натижасида мулкнинг қиймати 10,0 млн.сўм туширилиб солиқ базаси сунъий равишда камайтирилмоқда.

3. Мулкнинг фойдаланилиши нуқтаи назаридан бир хил бўлсада, юридик шахсларга икки фоиз ва жисмоний шахсларга 0,2 фоиз ставка қўлланилмоқда.

Таклиф.

1. Жисмоний шахсларнинг турар ва нотурар объектларини кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби (нотурар тоифалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 июлдаги 561-сонли қарори, турар тоифадаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги 1043-сонли қарори)ни юридик шахсларнинг кўчмас мулк объектларини кадастр қийматини ҳисоблаш учун тадбиқ этиш;



2. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ҳисобланишида солиқ базасининг камайтирилишини олдини олиш учун камерал солиқ текшируви ўтказилишида юридик шахсларнинг объектларининг кадастр қийматлари асосида юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ҳисобланишини мониторинг қилиб бориш;

3. Юридик шахсларнинг мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати, ушбу мулкларнинг кадастр қийматидан кам бўлган тақдирда мол-мулк солиғи мулкларнинг кадастр қиймати асосида ҳисобланиши тартибини белгилаш.

4. Мол-мулк солиғи ҳисоблашда субъектнинг мулкчилик шаклига эмас объектларнинг тоифасига боғлиқ (турар ёки нотурар) ставкаларни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси
2. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат статистикаси тўғрисида”ги 441-П-сонли Қонуни
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 июлдаги 561-сонли қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги 1043-сонли қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС)



XODIMLAR MEHNATINI RAG'BATLANTIRISH VA UNI IQTISODIY MUHIMLIGI, AHAMIYATI.

Rahimov Nozimjon Namoz o'g'li
master's degree student of National
University of Uzbekistan
Uzbekistan, Tashkent.

Annotation. Maqolada xodimlarni rag'batlantirish bo'yicha ilmiy-nazariy asoslar, xodimlarga nisbatan qo'llanishi lozim bo'lgan rag'batlantirish tushunchasi va uni iqtisoqchi olimlarni mulohazalari asosida yoritib berish ilgari surilgan. Rag'batlantirish orqali xodimning ish faoliyatiga ijobiy ta'sir ko'rsatish va mehnat faoliyatida rag'batlantirishning iqtisodiy muhimligi ham yoritilib berilgan.


Kalit so'zlar: xodimlarni rag'batlantirish, ilmiy-nazariy asoslar. Rag'batlantirish tushunchasi, iqtisoqchi olimlar, iqtisodiy muhimligi, ijobiy ta'sir.

Mehnatning dispoziцион nazariyalari yutuqlarga ehtiyoj nazariyasi

(D. Makklelland). Xodimlarning faoliyati ularning yutuqlarga bo'lgan ehtiyoj darajasiga yoki yutuq rag'batlantirishiga bog'liq (mazmunli narsaga erishish, ishni yaxshi bajarish, eng yaxshi bo'lish istagi). Erishish rag'batlantirishi qanchalik yuqori bo'lsa, mehnat samaradorligi shuncha yuqori bo'ladi va aksincha. Tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, tashkilotlar va jamiyatlarning iqtisodiy o'sishi xodimlar va fuqarolarning yutuqlari uchun rag'batlantirish darajasi bilan bog'liq bo'lishi mumkin.

Iqtisodiy funktsiy.: mehnatni rag'batlantirish, ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga ko'maklashishda namoyon bo'ladi. Bu mehnat unumdorligining oshishi va mahsulot sifatining yaxshilanishida o'z ifodasini topadi.

Ijtimoiy funktsiya: U jamiyatning ijtimoiy tizimini daromadlarning turli darajasini hisobga olgan holda shakllantirish bilan ta'minlanadi. Ushbu daromadlar esa rag'batlantirish omillarining turli insonlarga ta'siriga ko'p jihatdan bog'liqdir. Umuman olganda esa ehtiyojlarni shakllantirish pirovard darajada shaxsni rivojlantirish, jamiyatda mehnatni tashkil etish va rag'batlantirishga bog'liqligi yaxshi ma'lum



1-rasm Rag'batlantirish turlari¹

Ehtiyojlar iyerarxiyasi nazariyasi (A. Maslou) U 5 ta asosiy ehtiyojni (hayotiy ehtiyojlar, xavfsizlikka bo'lgan ehtiyoj, boshqalar bilan muloqot qilish va muhabbat, hurmatga ehtiyoj, o'z-o'zini anglash zarurati) aniqladi va ularni inson uchun ahamiyatini oshirish maqsadida ularni piramidada joylashtirdi. ... Agar quyi darajadagi ehtiyoj qondirilmasa, yuqori darajadagi ehtiyoj to'liq qondirilishi mumkin emasligi aniqlandi. Binobarin, mehnat rag'batlantirishini oshirish uchun ish beruvchi xodimning ehtiyojlarini izchil qondirish uchun sharoit yaratishi kerak. Shunday qilib, hamkasblar bilan o'zaro aloqada bo'lishga imkon beradigan shart-sharoitlar muloqotga

¹ Abduraxmonov K.X. va boshqalar. Personal boshqaruvi. Mehnat nashriyoti. Toshkent 2007y.



bo'lgan ehtiyojni qondiradi; xo'jayinning maqtovi, ularga qulay ish joyini taqdim etish - hurmatga ehtiyoj; kasbiy o'sish va martaba o'sishi uchun imkoniyat - o'zini o'zi anglash zarurati.¹

Motivatsion-gigienik (ikki faktorli) nazariya (F. Gertsberg) 2 turdagi ehtiyojlarni ajratdi: ehtiyojlar-rag'batlar va higienik ehtiyojlar. Ehtiyojlar-rag'batlar yuqori mehnat unumdorligini rag'batlantiradigan ishning atributlari (individual ishlab chiqarish vazifalari, shaxsiy javobgarlik darajasi, yutuqlar, e'tirof etish, rag'batlantirish, martaba o'sishi va kasbiy o'sish) bilan belgilanadi. Ishni qondirish ehtiyojlarini qondirish. Gigiena ehtiyojlari ish muhitining tashqi parametrlari (tashkiliy siyosat, etakchilik, shaxslararo munosabatlar, ish joyidagi jismoniy sharoitlar, ish haqi, rag'batlantirish shakllari) bilan belgilanadi. Gigienik ehtiyojlardan qoniqmaslik; ishdan qoniqmaslik.²

Mehnat rag'batlantirishining kognitiv nazariyalari Umumiy taxminlar nazariyasi (V. Vroom). Mehnat samaradorligi ishning to'g'ri bajarilishi uchun ish haqi kutish bilan belgilanadi. Inson mukofot olishni qanchalik xohlasa, uning qiymati uning uchun inkor etilmasa, shunchalik qunt bilan u uchun ishlashga tayyor.

Xodimni moddiy jihatdan rag'batlantirish deyilganda ish beruvchining mehnat shartnomasiga asosan barcha sarf-xarajatlari tushuniladi.

Moddiy jihatdan rag'batlantirishning asosiy maqsadi xodimlar faoliyatini kompaniya yoki firma strategik maqsadlariga erishishga yo'naltirish, boshqacha qilib aytganda personal moddiy manfaatdorligini korxonaning strategik maqsadlari bilan birlashtirishga qaratilgan. Bu hal qiluvchi qoida moddiy jihatdan rag'batlantirishning quyidagi maqsadlarini belgilaydi:

Xodimni korxonaga jalb etish. Korxonalar o'zlari uchun zarur mutaxassislarni ishga jalb etish maqsadida mehnat bozorida o'zaro raqobatlashadilar. Shuning uchun moddiy jihatdan rag'batlantirish korxonaga zarur personalni ishga jalb eta olishga mos bo'lishi kerak.

Xodimni korxonada ushlab turish. Korxonadagi moddiy jihatdan rag'batlantirish mehnat bozori taklif etayotgan darajadan past bo'lsa, xodimlar ishdan bo'shab keta boshlaydilar. Korxonada rahbari xodimlarni kasbiy o'qitish va rivojlantirish uchun sarflangan mablag' zoe ketmasligi uchun ularni boshqa kompaniya va firmalar bilan raqobat qila oladigan darajada moddiy jihatdan rag'batlantirishni ta'minlashlari zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abduraxmonov K.X. va boshqalar. Personal boshqaruvi. Mehnat nashriyoti. Toshkent 2007y.
2. Е.П.Ильин.Мотивация и мотиви.-Спб:Питер, 2011.
3. www.ziyonet.uz
4. www.wikipedia.com

¹ Abduraxmonov K.X. va boshqalar. Personal boshqaruvi. Mehnat nashriyoti. Toshkent 2007y.

² Е.П.Ильин.Мотивация и мотиви.-Спб:Питер, 2011.263 стр



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИННОВАЦИОН ХУДУДИЙ КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА МУВАФФАҚИЯТЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Муҳиддинов Ақобирхон Нурулло ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Корпоратив бошқарув факультети
Корпоратив бошқарув йўналиши
КВ.63-гуруҳ талабаси
E-mail: akobirxon717@gmail.com
Телефон: 945729199

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикасида инновацион ҳудудий кластерларни шакллантиришнинг зарурлиги ва муваффақиятли ривожлантириш омиллари батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: инновацион ҳудуд, кластер, иқтисодиёт, инновацион вектор, глобал инновацион индекс.

Кўпгина мамлакатлар ўзлари учун интенсив инновацион ривожланиш йўлини ва иқтисодиётни ташкил этишнинг кластер моделини танлайди. Бундай моделда саноат сийёсати нафақат сохаларни ривожлантиришга, балки ривожланган ижтимоий ва экологик муаммолар туфайли шаклланган ва оширилган ҳамда самарали талабларга эга бўлган етакчи бозорларни эгаллашга қаратилади.

Кластерларни шакллантириш ҳудудлар учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг самарали механизми бўлиб, ҳудудий иқтисодиёт ривожланишига, миллий субъектларни қиймат яратишнинг халқаро ишлаб чиқариш занжирига қўшилишига, хом ашёни қайта ишлаш даражасини ошириш учун кўмаклашишга, импорт ўрнини босишга, йиғув ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштиришнинг кўпайишига ва натижада – маҳаллий маҳсулотлар ва хизматларнинг нархсиз рақобатбардошлиги даражасининг кўтарилишига улкан таъсир ўтказди.

Инновацион вектор – бу Ўзбекистон Республикасининг миллий иқтисодиётини ривожлантиришнинг ва уни глобаллашув тенденцияларининг ўсиши шароитида рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. “2019-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси”да: “Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа сохаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартидир. Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатади. Ушбу камчиликлар мамлакатимизнинг жадал инновацион ривожланишига, инвестицияларни жалб этишига, иқтисодиётни ўсишига ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг бошқа сохаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш Стратегиясини бош мақсадидир.

Бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга бориб, Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлақати қаторига киришига эришиш;
- барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;
- илмий тадқиқотлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самародорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;



- инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этиш;
- бошқарувнинг замонавий усуллари вавоситаларини жорий этиш орқали давлат хокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;
- мулкчилик ҳуқуқлари химоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;
- барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш”

Глобал даражадаги индустрия кластерларни яратиш йўлидан кетмоқда. Кластер – бу худуднинг ва умуман мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам берадиган кенг тан олинган восита. Ривожланган мамлакатлар сингари ривожланаётган мамлакатларда ҳам кластер ташаббусларининг жадал ўсиб бориши уларнинг самарадорлигини ва ҳаётийлигини акс эттиради.

Жаҳон тажрибаси кластерларининг иқтисодий ривожланишдаги ва худудий ва миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардошлигини оширишдаги ролини намойиш қилмоқда. Бу инвестицияларни жалб қилиш ва янги иш ўринларини яратишга ёрдам берадиган, иқтисодиётни ривожлантиришга катта самарали таъсир кўрсатадиган, ўзларининг корхоналар, илмий тадқиқот ташкилотлари ва таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини оширилишини таъминловчи илмий, таълим ва ишлаб чиқариш салоҳиятини бирлаштириш билан боғлиқ. Ушбу самаралар, хусусан:

1) кластер корхоналари учун самараси: меҳнат унумдорлигини ошиши, фойданинг кўпайиши, сотиш бозорларининг кенгайиши, инвесторларнинг жалб қилиниши, кластер ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги ички рақобат туфайли замонавий технологиялар ва инновацияларнинг жорий қилиниши;

2) давлат хокимияти органлари учун самараси: бюджетнинг ўсиши, ишсизли бўйича тўловларнинг қисқариши, инфратузилманинг ривожланиши;

3) худудий иқтисодиёт учун самараси: ялпи худудий маҳсулотнинг, инвестициялар ҳажмининг, юқори технологияли маҳсулотлар экспортининг, аҳоли бандлиги ва фаровонлигининг ўсиши ва бошқалар.

Умуман олганда, ишонч билан айтиш мумкинки, XXI аср инновацион саноат тузилмасининг ривожланиш асридир. Айнан улар жаҳон иқтисодиётининг динамикасини тобора кўпроқ даражада белгилайдилар, ананавий равишдаги йирик корхоналар ва холдингларга туширилган локомотив ролини эгаллашади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “2019-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasi” QНММ:06/18/5544/1951-son, 22.09.2018-yil

2. Доржиева Е.В. Формирование и развитие конкурентоспособных агропромышленных кластеров на мезоуровне экономики: монография. – SPb: Издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2012.-168 с.

3. Заркович А.В., Стрябкова Е.А. Оценка влияния кластеров на инновационное развитие стран и регионов// Креативная экономика. – 2016. №11 (83). –с. 13-20.



THE ROLE OF BRANDING IN THE FORMATION OF TOURISM ATTRACTIVENESS OF A REGION

Rakhmatullaeva Firuza Mubinovna
PhD, dotsent, Department of Economics,
Bukhara state university

Abstract: Territory branding which based on the formation of an integrated geographical image, can be considered as a tool to increase the tourist attractiveness of the region. The article deals with the theoretical aspects of territory branding.

Key words: branding, territorial branding tourism region, tourism attractiveness, regional tourism.

Currently, in any region, in order to develop tourism, a complex of various marketing activities is being developed, among which the formation of a positive attitude to the region and its recognition – territorial branding-is becoming increasingly popular. Positioning a positive image of the region, which should be unique, becomes a necessary condition for the development of the branded tourist territory. Territorial branding is aimed at creating competitive advantages of the region over other territories, as well as improving its image, increasing its popularity and popularity in the eyes of tourists. In this regard, it is important not only to attract potential consumers of the tourist product, but also recommendations for expanding the circle of people interested in visiting the tourist area, which, in turn, will lead to an increase in the tourist flow.

The search for ways to develop tourism activities in the regions of outbound tourism and the justification of the possibilities of turning tourism into one of the factors of sustainable socio-economic development of territories leads to the need to develop marketing programs for the qualitative formation of brands in these territories.

A brand is an image of a product or service with an established image that guarantees a certain quality standard that has value in the eyes of the consumer, and is able to create added value [1]

Territory branding significantly affects the regional economy and is a modern tool for attracting the attention of external and internal consumers of services to its capabilities. The effects of branding territories by region’s areas of activity, including for regional and local government, are shown in table 1.

Table 1.

Effects of territory branding in the areas of economic and social functioning of the region

Sphere of activity	Indicators of the effect of territory branding
Tourism sector	<ul style="list-style-type: none"> ▪ the growth of income from tourism; ▪ increase in the weighted average cost per tourist per territory; ▪ growth in the number of domestic and foreign tourists;
Investment and business sphere	<ul style="list-style-type: none"> ▪ creating a favorable investment climate; ▪ growth in domestic and foreign direct investment; ▪ inflow of investment in the region’s infrastructure and fixed assets; ▪ growth in the number of registered businesses; ▪ increased export of goods and services from local producers outside the territory; ▪ revenue growth from tourism-related industries;
Socio-cultural sphere	<ul style="list-style-type: none"> ▪ growth in the number of new jobs and the number of people employed; ▪ growth of mutual trust among the population of the territory; ▪ enhancing the significance of the territory’s cultural and historical heritage; ▪ improving the culture of serving tourists by the population and entrepreneurs; ▪ improving the quality of life of the territory’s population;



Environmental sphere	<ul style="list-style-type: none"> ▪ increasing opportunities to preserve the quality of the environment and maintain the ecological balance of the territory; ▪ activation of the territorial administration's activities to improve the environmental situation;
Area of regional and local government	<ul style="list-style-type: none"> ▪ growth of gross regional product (GRP); ▪ growth in the market value of territorial securities; ▪ replenishment of the local budget; ▪ growth of the territory's rating; ▪ growth of budget revenues from tax increases; ▪ increasing confidence in territorial authorities

The basic approach to evaluating the effectiveness of place branding becomes a target-oriented approach, implying that territorial authorities should develop a relevant program for the branding with a clear definition of targets by which you can control the development of the territory, and which should be achieved following the implementation of these programs. Achieving or deviating from these targets will reflect the effectiveness of the territory's branding.

Thus, the development of branding of tourist territories should be carried out in such a way that it creates a memorable tourist experience and a favorable brand image, which in turn will lead to positive impressions and prosperity of the business of a particular tourist destination and at the same time increase the sustainability of the tourist destination

Literature

1. Реклама в действии: стратегии продвижения / В.Л. Музыкант. – 2-е изд., доп. – М.: Эксмо, 2009. – 240 с.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(9-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000